O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 12-may, juma, 19 (349)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

ШУ ГЎШАДАН БОШЛАНАР ВАТАН



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат

Халқимизнинг шарафли айёмларидан Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаоллари Мустақиллик ва эзгулик монументи қаршисида жам бўлдилар. ЎзМТДП Марказий кенгаши, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши номидан ҳайкал пойига анвойи гуллар қўйилди.

Инсон орзуларсиз, умид ва ишончсиз яшай олмайди. Бу туйғулар Ватан деган улуғвор тушунчага бориб туташади. Ватандан ортиқ бахттоле, Ватандан зиёд мурод бўлмас, дегувчилар ҳақ.

Тошкентдай шаҳри азимнинг зиёратгоҳ жойлари сероб. Бош зиёратгоҳ Мустақиллик майдонида жойлашган. Майдонга кираверишда мотамсаро она ҳайкали бор. Унинг пойида мангу олов ёниб турибди. Фарзанди — жигарпорасини унутмайдиган онаизорларимиз тимсоли — Муқаддас она рамзига боқиб, таъзим қиламиз. Атрофда айвонлар. Ўзбекча, шарқона услубда қурилган шундай айвонлардан ўзбек ўғлонлари ҳам жангга отланганлар, уларни онаизорлар остонада нон тишлатиб, умид билан кузатиб қолганлар.

Майдон маркази — Эзгулик аркасида акс этган ажиб рамзлар — оққушлар бу дунёда тинчликдай муаззам тушунчага эҳтиром билан қаралишини ифодалаб турибди гўё. Оппоқ йўлакларидан юқорига томон юриб, зинама-зина кўтариламиз...

Мустақиллик монументи ва унинг теграсидан жой олган бахтиёр она ҳайкали... Онанинг мунис чеҳраси, ўзбекона либоси, маъноли нигоҳи фарзандига бахш этаётган меҳр-муҳаббатини кўриб, онаизорингизни эслайсиз, ўйга толасиз. Дунёдаги орзу-умидлар мажмуини она ва фарзанд иқболисиз тасаввур этиб бўлмайди: Муқаддас она рамзи — фаришталар. Аёлнинг истарали, ҳаёли, шарофатли, камтарона қиёфасини кўрган одамнинг қалбида мунаввар ҳислар уйғонади.

Йиғилганлар Эзгулик аркаси, майдонга кўрк қўшиб турган Сенат биноси, атрофдаги яшил дунё, мовий осмон, осойишта замонга боқиб руҳландилар, дилда ифтихор туйдилар.

— Майдоннинг кўрки, шукуҳи, манзараси, меъморий ечимининг пухталиги, шубҳасиз, Бош меъморимиз, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг теран мушоҳада юритишларидан далолат бериб турибди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов.

Атрофдаги барча рамзларда мустақиллик берган неъмат — миллий қадриятларимиз руҳи мужассамлашган. Ҳаё ва иффатни ўзида жам этган, фарзандини бағрига босиб, унга меҳр тўла кўзлари билан боқиб турган Бахтиёр она монументи ҳам чин маънодаги ўзбек аёлининг сиймосидир. Монумент қаршисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Раъно Зарипова ва Мунира Қориева, Марказий кенгаш аъзолари Гуландом Боқиева, Лола Саидова, Захро Аҳмедова, Марказий кенгаш раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажоновалар сўз олиб, бундай тадбирлар ёшлар руҳиятида она юртга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини уйғотишини таъкидладилар.

Насиба ОЧИЛОВА

Абдулла ТУРДИЕВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Хотира майдони — Савоб майдони!

Мозий тонгларидан ўктам, даст туриб,
Юртга Амир Темур келмиш от суриб.
Гоҳ... пана-панадан тургай ит ҳуриб —
Азалдан устувор ўзбегим шони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Бу дунё кўп кўрган қирғин баротни,
Эсланг, Гитлер деган мальун бир зотни...
Азадор — «қора» деб бир энлик хатни —
Ўзбекнинг, о, қанча уй-хонадони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Ҳаёт бор — елкада залворли бир юк,
Хотира... қадрлаш туйғуси суюк.
Айтди: «Эзгулик йўқ — савобдан буюк!» —
Мустақил Ватаннинг одил Ҳоқони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Қурбонлар дунёси — нола чеккан тор,
Руҳига сиғинсанг айлар ғамгусор.
О, номсиз қабрлар... юлдузларча бор —
Рақамлар етмайди — бисёрдир сони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Не-не Собир Раҳим, Тўйчи Эрйигит,
Юртда қилич кесмас шердил, шерйигит.
Эвоҳ, бежаноза, эвоҳ, бетобут —
Ўзга тупроқларда узилди жони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Инсон хотираси — азиздан, азиз —
Қадр топган элнинг ҳар они лазиз.
ОНАмиз пойига, юртдош, чўккил тиз —
Меҳрнинг энг гўзал эҳтиром они,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Энди гулга кирган дуркун нав-ниҳол,
Бутун бўй-бастини ўпади иқбол!
Ўтганлар — армони, Ҳурлик — бу алҳол —
Ҳуррият, ҳур ният — Ўзбекистони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Юксакдан бўйлагай Ҳумомиз — боққил,
Бизни ярлақаган Худомиз — боққил.
Фарзанд... ағёр бўлса, Ота юрт, оқ қил —
Элим деб, юртим деб яшаш замони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Юрт фахри бўлғайдир иймони бутлар,
Буни унутмасин олчоқ, манқуртлар.
Ўзбек заминида барака-қутлар —
Меҳнатнинг ҳамиша бутундир нони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Оллоҳ қалбимизда, юракда ҳар чоқ,
Ки, Янги асрга очдиқ биз қучоқ.
Кўз ёши сим-симу... иймони — байроқ —
Ҳаждан қайтаётган бободеҳқони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Қадр кошонаси юксак сарафроз,
ЎЗЛИКни ул бино пештоқига ёз!
ОНАЖОН! Пойинга бўлсин поёндоз —
Ўғлинг Абдуллоҳнинг шеърий бўстони,

Хотира майдони — Савоб майдони!

Мустақилликнинг ўн беш йиллиги олдидан

«ГУЛЛАЙВЕР, ЯШНАЙВЕР, ЖОН АНДИЖОНИМ!»

Иккинчи ва учинчи бетларга қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ИШОНАМИЗ

Ўзбекистон ишбилармон аёллари Ассоциацияси «Тадбиркор аёл» фаолияти хусусида

Ассоциациянинг бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлимлари мавжуд. «Тадбиркор аёл» ўз атрофига юртимиздаги беш мингдан ортиқ ишбилармон аёлларни бирлаштирган.

Бизга «Тадбиркор аёл» Ассоциациясининг Тошкент шаҳар бўлими раиси муовини Мавжуда опа Усмонова қуйидагиларни гапириб берди:

— Ассоциациянинг олдига қўйган асосий мақсади, содда қилиб айтганда, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига олиб кириш, уларга моддий, маънавий томондан кўмаклашиш. Бизга мурожаат қилган аёлларимизга, аввало, ўз маслаҳатларимиз билан ёрдам берамиз. Уларнинг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш асосий мақсадларимиздан бири. Бунинг учун барча бўлимларимизда ўқув марказлари ташкил этилган. Семинарлар ташкил қилинади. Бу семинарларни, марказлардаги ўқув жараёнларини махсус тайёрланган мутахассис-тренерлар олиб боришади. Босқичма-босқич ташкил топган кредит уюшмалари томонидан бериладиган қисқа муддатли кредитлар энди иш бошлаётган тадбиркор аёллар учун имкониятдир.

Қишлоқ жойларида иш ўринлари ташкил қилиш, маҳаллий ёшларни ўқитиш бўйича ҳам бир неча лойиҳалар амалга оширилди. Айниқса, Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши бизнинг фаолиятимизга янада жўшқинлик бахш этди. Бу Фармон янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Биз мана шу Фармон ижросини ҳамда бир қатор ноғиронларни иш билан таъминлаш мақсадида Германия билан ҳамкорликда лойиҳа ишлаб чиқдик. Бунда, асосан, «Бисёр» ноғиронлар уюшмаси ва ёш ногиронлар ташкилотини қўллаб-қувватлаб, Райҳон Курумбаева, Матлуба Ибрагимова ва Камолиддин Раҳмонов каби тадбиркорлар томонидан касаначилик бўйича бир неча ногиронларни иш билан таъминлаш, уларнинг уй шароитида муқим бир меҳнат тури билан шуғулланишлари учун имконият яратиш кўзда тутилган. Ассоциациямизда ташкил этилган «Санъат салони» ҳам бевосита юртимизда ишлаб чиқарилган касаначилик буюмларининг сотувга ва чет эллардаги кўргазмаларга чиқишида кўприк вазифасини ўтайди.

Ургутнинг нақшинкор палаклари, Риштоннинг нафис сопол буюмлари, Бухоро зардўзчилиги намуналари, Сурхон воҳасининг ўзига хос либослари, хуллас, Ўзбекистоннинг жаннатмонанд гўзаллиги нақшланган буюмларни «Санъат салони» кўргазмасида кўриш мумкин. Бу буюмлар нафақат ўзимизда, балки чет эллардаги кўргазмаларда ҳам юртимизга, унинг уста-ҳунармандларига қизиқиш, уларнинг санъатига эҳтиром туйғуларини уйғотишда хизмат қилади.

Ишбилармон аёллар, чин маънода от устидаги аёллар. Ассоциациянинг рамзида ҳам от чоптириб бораётган аёл акс эттирилган. Немис сиёсатшуноси Питер Шолл-Латур шундай деганди: «Агар мен Республика ишбилармон аёлларининг Ассоциациясида учратган хотин-қизлар ҳақида гапирадиган бўлсам, унда Ўзбекистон ўзининг келгуси тараққиётига жуда катта умидлар боғлашга ҳақли, дея оламан».

Зумрад ВАҲОБОВА,
«Миллий тикланиш» мухбири

Тадбиркор аёллар ҳузурида

КИМ НИМА ДЕДИ?

Агар мен Республика ишбилармон аёлларининг Ассоциациясида учратган хотин-қизлар ҳақида гапирадиган бўлсам, унда Ўзбекистон ўзининг келгуси тараққиётига жуда катта умидлар боғлашга ҳақли, дея оламан.

Питер ШОЛЛ-ЛАТУР, немис сиёсатшуноси

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан «Устоз — отангдек улуғ» шиори остида партиянинг Пискент туман кенгаши фаоллари, талабалар билан учрашув ўтказилди.

УСТОЗ — ОТАДЕК УЛУҒ

Устоз бўлиш, шогирд етиштириш осон иш эмас. Устозликка муносиб инсоннинг қалби осмон бўлиши керак. Шогирднинг юрагига йўл топиш, унга ўзидаги илму ҳунарни ўргатишда ҳам устоздан жуда катта масъулият, ирода, сабр-тоқат талаб этилади. Устоз-шогирдлик муносабатлари кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу анъана асрлар оша тобланиб, сайқалланиб келмоқда. Пискент туманида ўтказилган учрашувда ҳам ана шу ҳақда сўз борди.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси Шарифа Салимова, партиянинг фаол аъзоси, ЎзРФА Микробиология институти лабораторияси мудири Захро Аҳмедова, тумандаги партия фаоллари иштирок этишди ва сўзга чиқишди. Партиямиз дастурида маънавий тарбия, миллий ўзликни англаш, ахлоқ-одоб масалалари устувор йўналиш ҳисобланишини, қадриятларимиз эъзозланиши йўлида устоз ва шогирд ришталарини мустаҳкамлаш кераклиги алоҳида қайд этилди.

Пискент ўзининг қалби қўйш фарзандлари — шоира Музайяна Алавия ва унинг шогирдлари, полвонлар, тикувчилар, чилангарлару пиллакорлар, ўқитувчилари билан Тошкент вилоятида ўзига хос ўринг эга. Тадбирда 40 йил мактабда математика фанидан дарс берган, минглаб шогирдларнинг устози, ҳозирда тумандаги Мўминобод маҳалласида маҳалла маслаҳатчиси бўлиб фаолият юритаётган Назира Шоматова, 25 йилдан буён пиллачилик билан шуғулланиб, юзлаб шогирдларга касбининг сирларини ўргатиб келаётган пиллакор Жумагул Жумаева, Шаҳодат Бобоева сингари устоз номини улуғлаб келаётган, ўз касбининг усталари бўлган инсонлар сўзга чиқиб, иш тажрибалари ҳақида гапириб беришди.

Учрашув Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бадиий жамоалар бирлашмаси қошидаги Ғанижон Тошматов номидаги «Дўторчи қизлар» ансамблининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Раҳматуллаева бошчилигидаги санъаткорлар жамоасининг концерт дастурига уланиб кетди.

Ўғилой ЎРАЗОВА

Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз

Сиздан мактуб олдик

Ассалому алайкум, «Миллий тикланиш» газетасининг жонкуяр ходимлари. Мен газетанинг ҳар бир сонида бериб борилаётган кенг кўламдаги мақола, лавҳа ва хабарларни катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Айниқса, шу йилнинг 5 апрел сонида чоп этилган «Устознинг иккинчи умри» мақоласи менда катта таассурот қолдирди.

Устоз Озод Шарафиддинов чиндан адабиётимизнинг устунларидан эди. Бу ғайратли, меҳнаткаш олим, ардоқли инсоннинг ҳаёт йўли, фаолияти биз ёшлар учун ҳамиша ибратлидир. Улардан ўрнак олсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз. Мен севимли газетамда шундай мақолалар кўпроқ бериб борилишини истардим.

Кейинги пайтда «Миллий тикланиш»нинг мундарижаси бир қадар бойигани мен ва мен каби мухлисларни қувонтирди. Бу «Миллий тикланиш» партиясининг ҳам ютуғи, албатта. Мен келгусида шу партияга аъзо бўлиш ва унинг ривожига ҳисса қўшиш ниятидаман.

«Миллий тикланиш» партияси ва севимли газетамнинг ишларига ривож ва омад тилайман.

Азиза ИБРАГИМОВА,
Шайхонтоҳур тумани 84-мактабнинг 8-синф ўқувчиси

Даврани кенгроқ олайлик

НАЗОКАТЛИ АЁЛЛАР

«Назокатли аёллар» уюшмасининг ташкил топганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Уюшма сафида нафақат Тошкент шаҳрида, балки республикамизнинг турли ҳудудларида яшайдиган ўқитувчи, тадбиркор, шифокор, олима аёллар ҳам бор. Бу зиёли аёлларнинг кўпчилиги ЎзМТДПга аъзодирлар.

Уюшмага Дилбар Ғуломова раҳбарлик қилиб келмоқда. Аёллар тез-тез ўтказиб туриладиган йиғилишлар баҳона ҳамфикр, ҳамсуҳбат бўлиб туришади. Уюшманинг навбатдаги йиғилишида ҳам аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрни, ишда ҳам, жамият ишида ҳам фаол иштирок этаётган аёллар ҳақида сўз борди.

Партиямиз фаолларидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мунира Қориева, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаннатой Тошматова ҳамда «Аёллар қаноти» раиси Холида Очилова, ўқитувчи ва олима аёллардан Дилбар Раҳмонова, Санъат Йўлдошева, Фотима Шариповалар ҳам бу уюшмага аъзодирлар. Партиядошлар тез-тез учрашиб, фикрлашиб туришгани яхши-да, ана шундай суҳбатларда келгусида қилинадиган ишлар ҳам режалаштириб олинади.

Матлуба ИБРАГИМОВА,
ЎзМТДП Юнусобод туман кенгаши раиси

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТАЁТИР. НАШР КЎРСАТКИЧИМИЗ — 158.

ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН



«Асрий орзуларга эришган халқимиз жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган».

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муҳаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

Халқ бўл, элим

Қадим юртга қайтсин қадим
наволарим,
Қумлар босиб қуримасин
дарёларим.
Алпомишга алла айтган
момоларим
Руҳини шод этай десанг —
халқ бўл элим!..

Дунёга боқ, қадди сендек
ким бор яна,
Довруғи ҳам дарди сендек
ким бор яна.
Халқ бўлишга ҳадди сендек
ким бор яна,
Мозийни ёд этай десанг —
халқ бўл элим.

Сен тебратган бешигини
Соҳибқирон,
Сенинг боланг юлдузларга қўйган
нарвон.
Бир майизни қирққа бўлган
бир тану жон
Кунларингга қайтай десанг —
халқ бўл элим.

Дарё бўлиб жўшгин энди
завқи улуғ,
Байрамингда севинч кўз
ёшингга қуллуқ,
Юртим деган жасур
юртбошингга қуллуқ,
Унга қанот бўлай десанг —
халқ бўл
элим.

Бўлар элнинг болалари
бир-бирин дер,
Бўлмас элнинг болалари
бир-бирин ер.
Бир бўл энди, қадри баланд
қаддингни кер,
Халқ бўл элим, халқ бўл элим,
халқ бўл элим!

Кези келганда бир ҳақиқатни комил ишонч билан айта оламанки, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовни Муҳаммад Юсуф ўз падари бузрукворидек, пири устозидек мўътабар биларди.

Ул шакар лабки эрур жондин азиз,
Кимки йўқ ондин азиз, ондин азиз,
Келди ашраф барча олам аҳлидин,
Йўқтурур дунёда инсондин азиз.
Жон берурман дилраболар ишқида,
Ким эрур жононалар жондин азиз.

НОДИРАБЕГИМ

Мустақилликнинг ўн беш йиллиги олдидан

Андижон. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим, Абдулҳамид Чўлпон, Дукчи Эшон, Муҳаммад Юсуф, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Муҳаммадқодир Абдуллаевлар кўз ўнгимизга келаверади.

Бугун Андижоннинг барча гўшалари гулу чаманларга бурканган. Кенг ва равон йўллар, ўқув даргоҳлари, замонавий андозаларга мос келадиган муҳташам бинолар. Боғлар ва майдонларни айтмайсизми!

Андижон шаҳрининг жануби шарқ томонида бундан ўттиз йил муқаддам «Боғишамол» бағрида Боғи Бобур барпо этилганди. Бугун шу сўлим гўшага қадам ранжида қилган кишининг кўнгли тоғдек кўтарилади. Минг-минглаб мевали ва манзарали дарахтлардан иборат гўзал боғ бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталишининг ўзи бир фахр. Узоққа бормайлик, йигирма-йигирма бир йил аввал ўзимиздан чиққан мафкуравий «даҳо»лар бобомиз шаънига не гапларни айтмади дейсиз!

Салкам уч минг метр баландликка осма сим йўли орқали кўтарилаяпману шу воқеалар хаёлдан ўтади. Боғи Бобурнинг фусункор ҳусну жамоли, шаҳри Андижоннинг кафтдагидек кўриниб турган ажойиб манзаралари руҳингни тетиклаштиради. «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи буюк аждодларимизнинг меросларини кўз-кўз қилиб турибди.

Бир кунда беш мингга яқин киши Боғи Бобурда дам олиб, ҳордиқ чиқараётир. Бу табаррук зиёратгоҳга ташриф буюрганларнинг юз-кўзларидаги қувончларни бир кўрган кўнгил ўн яйраб кетади.

Шеъриятнинг бетакрор булбулларидан бири Муҳаммад Юсуф номи билан аталган вилоят болалар кутубхонасида 105 мингдан зиёд китоб заҳираси бор. Муҳаммад Юсуф билан ўн саккиз йил бирга-бирга яхши-ёмон кунларни бошдан кечирганмиз. Кези келганда бир ҳақиқатни комил ишонч билан айта оламанки, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовни Муҳаммад Юсуф ўз падари бузрукворидек, пири устозидек мўътабар биларди.

Ёдимда, Юртбошимиз ташаббуси билан Муҳаммад Юсуфнинг эллик ёшлик тўйи тантаналари бутун мамлакатда, Андижонда жуда ҳам эъзозли қилиб нишонланганди. Шоирини улуғлаган улуғларга минг таъзим, шоирини азизлаган азизларга минг таъзим!

Китоб инсон қалбига маънавият нурини сочади. Китоб ўқиган одамнинг юрагига эзгулик эш бўлади. Китоб инсоннинг ёлғизликдаги энг яқин ҳамдами, ҳамроҳи бўла олади. Шу маънода юртимизда ўтказилаётган китобхонлик тадбирлари ҳам эзгулик томон қўйилган қадамдир. «Улуғимсан, Ватан» шиори остида Республика китоб байрами ҳам Андижонда ўтди. Алишер Навоий номли боғдан бошланиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли кутубхонада давом этган «Ватан, сенсан энг гўзал чаман» мустақиллик даври китоблари кўргазмаси зиёсеварларни жуда қувонтирди.

Водийда «Андижон полкаси»га ўйнамаган ўғил бола йўқ. Биласизми, «Андижон полкаси» рақси илк бора янграганига саксон йил бўлибди. Бу худди андижонлик йигитларнинг мадҳиясидек гап.



ЭКСПОРТГА 200 МИНГ ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛИ

«Ўзавтосаноат» компанияси раиси Қудрат ПАРПИЕВнинг билдиришича, Асакадаги автомобил ишлаб чиқараётган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида 2006 йил 10 майгача 300 минг дона «Нексия», 101 минг дона «Дамас», 67,7 минг дона «Матиз», 90 минг дона «Тико», 3830 дона «Ласетти» русумли автомобиллар ишлаб чиқарилди. Россия, Қозоғистон, Украина, Озарбойжон, Белорус, Молдова давлатларига 200 мингдан ортиқ автомобил экспорт қилинди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга чет мамлакатларда харидорлар ой сайин кўпайиб бораётир.

ХАЛҚИМГА

Халқим, буюр менга юмушларингни,
Амринг адо этай токи жоним бор.
Бошимга олайин ташвишларингни,
Қадоқ қўлларингни ўпайин такрор.

Менга шон даркормас, шуҳрат керакмас,
Меҳрга зор бўлиб ўсган болангман.
Менга муҳаббат бер, миннат керакмас,
Сенинг армонингман, сенинг нолангман.

Шарафли қарзим бор, узмоғим керак,
Сенга фидо бўлсин умрим, ҳаётим.
Сени деб ёнади бу ёнар юрак,
Сенга қўшиқларим, бору бисотим.

Сени деб яшайман, қанча умрим бор,
Ўзинг бор экансан, ўлмаган жонман.
Мени яратгансан, ташаккурим бор,
Бугун мен ҳам битта Ўзбекистонман.

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири



УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!



БОБУРЛАРИ БОР, АНДИЖОН



Бобур... Заҳириддин Муҳаммад... Бу буюк инсоннинг номи ардоқланадиган мустақиллик замонасига етиб келгунга қадар у ҳақда не-не гаплар бўлмади дейсиз. Не-не даҳоларимиз ҳақида қалбларимизда туғён ураётган ҳақиқатни тўла айтолмадик, гапларимизни сохта андоза — қолипга солиб гапирдик, ичимизда эса бор ҳақиқатни шивирлаб юрдик. Булар ҳақида ўйласак, худди туш кўрганга ўхшаймиз. Ва ўз-ўзимиздан, имонимизнинг сустлигидан андек бўлса-да, уяламиз. Қардош халқларнинг ватан ва миллат қайғусидаги саъй-ҳаракатлари натижаларини кўриб ҳавас қиламиз.

«Қонхўр, босқинчи» — деб таърифланган улуғ соҳибқирон Амир Темур авлоди бўлмиш Бобур Мирзо номини камоли шоир ва серқирра олим бўлгани учунгина ёдга олдик, унинг подшоҳлигини эса тан олмадик. Ҳинд элида 300 йилдан ортиқ ҳукм сурган буюк бобурийлар сулоласининг ҳаётбахш фаолиятини ерга уриб гапирдик. Ҳиндистоннинг улуғ фарзанди, XX асрнинг буюк алломаларидан бири Жавоҳарлаъл Неру «Бобур — дилбар шахс» деб таърифлаб, Ҳиндистоннинг янги бир цивилизациясини бошлаб берганини эътироф қилгани ҳолда, биз уни «БОСҚИНЧИ»га чиқардик. Ваҳоланки, Бобурнинг ўзи Ҳиндистонга тақдир тақозоси билан бориб қолганини, «ўз юртини қўйиб ҳинд сори» кетгани «юз қаролиқ» бўлганини мардонавор тан олиб ёзган эди, бизлар эса...

Фанлар Академиясининг вице президенти, ажойиб ташкилотчи олим Иброҳим Мўминовнинг (Аллоҳ раҳмат қилсин) шахсан ташаббуси билан маънавиятда хайрли ишлар бошланди. Жумладан, 1958 йили Бобур таваллудининг 475 йиллиги унинг ватани — Андижонда кенг нишонланди. Пойтахт Тошкентдан ўз даврининг машҳур олимлари — бир неча академиклар, профессорлар ташриф буюрдилар. Ажойиб учрашувлар ўтказилди. Улуғ бобомиз Мирзо Бобур ҳаёти ва ижоди бутун дунё олимларининг диққат марказига кўтарилди. Унинг бетакрор таъби назми, ибратли хулқ-атвори, жасорат ва ҳимматга йўғрилган шахси жуда кўп — хоссатан Оврупо зиёлиларини ҳам қизиқтириб қўйди.

Минг бора шукр қилайлик, мустақилликка эришдик, истиқлол қуёши чиқди. Президентимиз Ислом Каримов улуғларимиз ҳақида жуда ҳаққоний гаплар айтди: «Асрий орзуларга эришган халқимиз жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган».

Юртбошимизнинг одилона ички сиёсати туфайли, мана, Ватанимиз, халқимизнинг бой тарихи тикланяпти, бошқа буюк даҳоларимиз қатори Бобур ҳам ўз юртига қайтди, номи покланди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилиёқ Президентимиз Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Шу муносабат билан Андижонда катта ишларга қўл урилди: ажойиб ташкилотчи, тиниб-тинчимас инсон Зокиржон Машрабов ташаббуси билан Бобур номидаги Халқаро хайрия жамғармаси тузилди. Халқаро илмий экспедиция аъзолари Бобур изидан юриб, Шарқ мамлакатларида бўлиб, ҳамюртимиз ҳақида кўп маълумотлар тўплади ва улар ҳозир Андижондаги Бобур боғида ташкил қилинган янги музейда намойиш қилинмоқда. Бобурнинг Кобулдаги ҳоки туробидан олиб келиб қурилган рамзий қабри эса халқимиз ва шаҳримиз меҳмонларининг зиёратгоҳига айланди.

Падари бузрукворим раҳматли эллик йил ўзбек тили ва адабиёти фанидан мактабда дарс берганлар. Болалигимда бетоблансам, отажоним «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» достонларини қироат билан ўқиб берардилар. Руҳим қушдек енгил тортиб, тузалганимни ўзим ҳам сезмай қолардим. Китоб деса, жонини берадиган, китобни кўп ўқийдиган шогирдлари ҳаққига доимо дуолар қилиб юрадиган, Навоийни илоҳий устози деб билгувчи табаррук инсоннинг зурриёди бўлиб дунёга келганимдан Оллоҳга шукроналар айтаман.



Сайфиддин ЖАЛИЛОВнинг «Бобур ҳақида ўйлар» китобидан

Андижонда энг кўп учрайдиган иккита исм бор: биринчиси МУҲАММАД бўлса, иккинчиси БОБУРдир.

Булоқ бошидаги гаплар



Андижонга навбатдаги хизмат сафари чоғи кўнглимга "Ширмонбулоқ" зиёратгоҳига боришни тугиб қўйгандим. "Ширмонбулоқ" қишлоғининг тоғ ён бағридаги сўлим гўшасидан азиз булоқ қайнаб чиқади. Булоқда юзлаб балиқлар бор. Ширмонбулоқнинг нариги тарафида, Аравон тоғларида "Чил устун" ғори бор. Ривоятларда қирқта олтин устуннинг усти тепага, таги пастга тегмай муаллақ туради, унинг тагидан ўтган денгиздан ҳар жума куни авлиёлар қайиқ билан Маккаи мукаррамага бориб, жума намозини ўқиб қайтадилар, дейилган. "Чил устун" тагидан ўтган денгизга икки дона олма ташланганида биттаси "Ширмонбулоқ"дан, яна бири эса "Имом ота" зиёратгоҳидаги азиз булоқдан чиққан экан. Шу боис бу икки булоқ Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В)нинг набиралари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусанларнинг номлари билан боғланиб, қадим-қадимдан муқаддас ҳисобланган. Бизнинг болалагимизнинг энг қувончли кунлари "Ширмонбулоқ"да ва унга туташган тоғлар бағрида яратилган боғларда ўтган. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ҳам шу қишлоқдан. Ўзбек радиосининг дарғаларидан, таниқли устоз журналист Рустам Раҳмоновнинг ҳам она қишлоғи "Ширмонбулоқ". Кўнгилни бу гўша тез-тез чорлаб туради.

Булоқни зиёрат қилган кишининг руҳи тетиклашади, ишлари юришади. Агар сариқ касал билан бетобланганлар булоқдаги балиқларга тикилиб-тикилиб қараса, дарддан фориғ бўлади. Ихлос қилганлар дардларига шифо излаб келаверади, келишаверади. Булоқдаги зилол сувлардан яхши ният билан ичсангиз, минг дардга даво, дейдилар.

Булоқ ҳам, балиқлар ҳам ҳеч ўзгармагандай. Гувоҳларнинг шоҳидлик беришича, ўша булоқда жуда катта, олтин тусли балиқ ҳам аҳён-аҳёнда кўриниб қоларкан. Зиёратчиларда ҳар гал булоқдаги мўъжизавий олтин балиқни кўриб қолиш умиди бир ёниб-ўчади...

Ширин хаёллар билан "Ширмонбулоқ" томон йўл олдим. Андижон шаҳрида "Андижоннома" таҳририяти жойлашган кўчадан борар чоғи таниш "Тико"га кўзим тушди. Бу курсдошим, "Ўзбекистон овози" газетасининг Андижон вилояти бўйича мухбири Аҳмадилло ака Солиевнинг машинаси. Дарҳол машинамни тўхтатдим. "Тико"дан курсдошларим — "Марғилон ҳақиқати" газетаси муҳаррири ўринбосари Муродилло ака Мирзажонов, "Андижоннома" газетаси бўлим мудири Ғолиб Абдуллаевлар тушиб келишди. Ҳаммамиз учун қувончли учрашув эди бу. Ярим соат чамаси "ахборот" алмашдик. Менинг таклифим уларга ҳам маъқул тушди: тўрт курсдош "Ширмонбулоқ" зиёратига отландик. Йўл-йўлакай хўжаободлик курсдошимиз Дилшод Мўминовнинг Карнайчи қишлоғидаги хонадонига кириб, унинг отаси, яқинда оламдан ўтган Шерзод отанинг руҳи покларига бағишлаб Қуръон тиловат қилдик. Раҳматли Шерзод ота хушчақчақ, дадил гапирадиган, мард, қўли ҳам, кўнгли ҳам очиқ танти инсон эди. Отасининг ҳазилкашлиги Дилшодга ҳам юққан. Шу боис курсдошлар орасида ўз ўрни бор.

"Карнайчи" қишлоғининг манзараси гўзал, ҳавоси жуда тоза. Тарихчи олим, бобуршунос Сайфиддин Жалиловнинг яқинда босмадан чиққан "Бобур ҳақида ўйлар" китобида қайд этилган Хўжаобод тумани Дилкушод қишлоғининг тоғ томонида жойлашган «Лоткан тепа» номли археологик ёдгорлик "Карнайчи"га жуда яқин. Табиати баҳри дилингни очадиган қадамжолар.

Курсдошлар "Ширмонбулоқ"ни зиёрат қилдик, девзира гурчдан бир чимдим ош дамладик. Дўстлар дийдори-ю, қадамжо зиёрати кўнгилларимизни тоғдек кўтарди.

Китоб — ақл қалъаси

Андижон шаҳри марказининг энг сўлим гўшаларидан бирида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг «Шарқ зиёкори» акциядорлик жамияти «Китоб маркази»нинг очилиши маросимида болалик хотираларим ёдга тушди.

«Шарқ зиёкори» — сифатли ва мазмун жиҳатдан ранг-баранг китобларни ўқувчига етказиш борасида қатор хайрли ишларни амалга ошириб келаётир.

Янги очилган «Китоб маркази»да «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Аср ошган асарлар», «Болалар адабиёти» каби туркум бадиий асарлар, илмий-сиёсий адабиётлар, шунингдек, Россияда нашр қилинган китоблар ҳамда ўқув қуроллари мавжуд.

«Китоб маркази»нинг очилиши маросими байрамга айланиб кетди. Карнай-сурнай садолари-ю, шўх-шодон болаларнинг ўйин-кулгулари дилларни яйратиб юборди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош директори Омонулла Юнусов, андижонлик шоир Олимжон Холдор, таниқли журналист Абдунаби Бойқўзиев ва бошқалар иштирок этиб, йиғилганларни китоб байрами билан қутладилар.

Тантана сўнггида энг яхши китобхонларга акциядорлик компаниясининг эсдалик совғалари топширилди.

Мустақиллик йилларида Андижонда катта ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бугун Андижонга борсангиз, гулларга бурканган кўчалар, яшнаган боғу роғлар, замонавий услубда қад ростлаган биноларни кўриб кўзингиз қувнайди. Юрт равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилиб яшаётган деҳқонлару тадбиркорлар, уста-ҳунармандлар, андижонликларнинг ишлари янада ривож топаверсин! Юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин!

Кўш саҳифани «Миллий тикланиш» махсус мухбири Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ тайёрлади

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Самарқанд вилояти Нарпай туман кенгаши ташаббускорлиги билан 28 апрел жума куни Нарпай Миллий ҳунармандчилик коллежида «Очиқ эшиклар куни» ва ҳарбий хизматдан заҳирага бўшаган ёшлар билан учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Фарғона вилоят кенгаши 28 апрел куни депутатлар гуруҳининг I чорак якунлари бўйича йиғилиш ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман кенгаши ташаббуси билан 29 апрел шанба куни Мирзо Улуғбек информатика коллежида «Ватан озодлиги — олий саодат» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

30 апрел якшанба куни ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Аёл саломатлиги — юртнинг таянчи» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Музрабод туман кенгаши ташаббуси билан 1 май душанба куни тумандаги касб-ҳунар коллежида «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилояти Ромитан туман кенгаши ташаббускорлигида 1 май куни тумандаги «Қўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Оила, маҳалла ва миллий тикланиш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгашида 1 май куни «Ҳомийлик инсонпарварликдир» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Тошкент вилояти Чиноз туман кенгаши ташаббуси билан 1 май куни туманнинг Марказий шифохонасида «Саломатлик — туман бойлиги» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилояти Гулистон туман кенгаши ташаббускорлигида 2 май сешанба куни «Сиз қайси касбни танлайсиз?» мавзуида ўқув-тренинг ўтказилди.

* * *

2 май куни ЎзМТДП Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда «Энг катта бойлигимиз тинчлик ва барқарорликдир!» мавзуида ёшлар билан учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилояти Учкўприк туман кенгаши ташаббуси билан «Кенагаз» маҳалла фуқаролар йиғинида «Мустақиллик ва маънавият» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

2 май куни Қорақалпоғистон Республикаси чегарасидаги ҳарбий қисмда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ватан манфаати улуғ ва муқаддасдир» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилояти Норин туман кенгаши ташаббуси билан 2 май куни туманнинг Ҳаққулобод шаҳридаги 1 ва 2 сонли болалар боғчасида «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан 3 май куни Қарши давлат университетида «Мустақиллик ва конституция ҳимояси — муқаддас бурчимиз» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббускорлигида 4 май пайшанба куни Собир Раҳимов туманидаги 1-сонли мактаб интернатида «Саховатнинг мезони бўлмас» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати

УМРЛАР БОРКИ...

Халқимизнинг ардоқли фарзанди Иброҳим Раҳим бугун гарчи жисман орамизда бўлмаса-да, фарзандлари, набиралари, кўпдан-кўп шогирдларининг кўзларида ёниб, юзларида кулиб яшаб юрибди.

Адиб доимо халқ билан бирга бўлди, халқдан ўрганиб топганига сайқал бериб, яна халққа қайтариб яшади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим қизи Юлдузхон билан.

Адиб ҳали жуда ёшлигидаёқ ота-онаси тенги ҳамқишлоқларига муаллимлик қилди. Кейинчалик Тошкентга келиб ёшлар газетасида ишлади, билими, тажрибасини оширди, ҳаётнинг энг гавжум жабҳаларида завқ-шавқ билан ижод қилди. Мамлакат бошига ташвиш тушган, ҳаётмамот учун курашнинг дастлабки соатларидаёқ жангга отланди. Жанггоҳларда ҳам қўлидан қаламини қўймади. Иброҳим Раҳим қаерда фаолият олиб бормасин, халоллик, адолат, ғайрат билан ишлади. Биргина «Ўзбекфилм»да бош директорлик фаолиятида амалга оширган ишларининг ўзигина юқоридаги гапларга далолат бўла олади. Адиб раҳбарлиги даврида «Улуғбек юлдузлари», «41 йил олмалари» каби кинофилмлар суратга олиндики, бундан «Ўзбекфилм»нинг довруғи ошгандан ошди.

Иброҳим Раҳим бир гапни доимо таъкидларди: «...Табиатда бўлганидек, инсоннинг ҳам тўрт фасли бўлади: болалик, йигитлик, етуклик ва кексалик. Инсон шу тўрт фаслни бошидан ўтказади. Инсоннинг ҳар бир фасли ўзгача бир умр... Мен тўртинчи умримни яшамоқдаман».

Иброҳим Раҳимнинг ўша ўзи айтганидек, тўртинчи фаслидаги умрининг кунларига назар ташласак, бир меъёрдаги фаолиятни, самарали ижодни кўрамиз. Иброҳим Раҳим 75 ёшини Ўзбекистон мустақиллиги билан кутиб олди. Адиб чарчаган қаламини мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қайноқ, ҳаётий мақолалар, очерклар ёзишга қаратди, публицистик мақолалари ўзбек миллий маданияти, қадриятлари, миллий ғурурининг ўзига хос жарчисига айланди. «Маҳалла» газетаси таҳририяти аъзоси сифатида давлатимиз сиёсатини, Юртбошимизнинг олиб бораётган самарали, бунёдкорона ишларини кенг халқ оммаси онгига сингдиришга катта ҳисса қўшди. Адиб ўзбек автомобилсозлари — Асака автомобил заводининг ижодкорлари, ғайратли ишчилари, келажаги порлоқ ёшлари ҳақида чексиз ифтихор билан мақола, лавҳалар тайёрлаб, эълон қилди. «Қамчиқ» довони йўл қурувчилари билан бирга довонни бошидан охиригача пиёда кезиб чиқди, ишчилар билан суҳбатлашди, уларнинг ютуқ ва муаммоларини ўрганди. У ўз йўлини Олой тоғларига бурди. Хитой билан боғловчи йўл қурилишининг аҳамияти тўғрисида тўлқинланиб ҳикоя қилди. Бу мавзуда қатор мақола ва очерклар тайёрлаб, 85 ёшини нишонлаш арафасида «Офарин» совринига сазовор бўлди...

Иброҳим Раҳим том маънодаги жасоратли, бир сўзли адиб эди. Тўғрисўз, ҳалол, имон-эътиқодли адиб чин маънодаги мустақилликнинг жарчиси бўлиб матбуот майдонида қалам тебратди. Адибнинг кечирган умри шаксиз ибратлидир.

Дуо қилайлик, бу фоний дунёдаги барча савоб ишлари адибнинг қўним топган сўнгги макони узра нур бўлиб ёғилиб турсин.

Неъматжон ҲАСАНОВ,
доцент



Сайранг қушларжон, сайранг!

Қадим-қадимдан ўзбекларда тут пишиғига етиб олсак, у ёғи бир гап бўлар, деган нақл бор. Бу йил тут шиғил-шиғил мева қилди. Бу тўкин-сочинликдан далолатдир.

Ҳаммадан ҳам қушларга мазза бўлди. Тутга тўйган қушларнинг сайрашини айтмайсизми...

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат

«ОЛТИН ҚАЛАМ» ЯРАШИБДИ, СИЗГА ҲАМКАСБЛАР!

Норқобил билан бундан ўн беш йил илгари китоблик Зариф Бурҳоннинг туғилган кунида танишган эдик. Зариф ака бор куч-ғайратини боғдорчилик илмига бахшида этган, нафақат воҳада, балки мамлакатда ҳам ўз ўрни бор, эл назаридан қолмаган, одамлар орасида эътибор-обрў топган, ота-онасининг дуоларини олган ажойиб инсон. Норқобил Жалилнинг ҳаёт устозларидан бири ҳам Зариф Бурҳон. "Тахтиқорача" довонининг

«ЯХШИЛИК» УЧУН ҚАНЧА МУКОФОТ БЕРСА АРЗИЙДИ

Мингчинорида бир гал Зариф ака Норқобил ҳақига дуо қилганди. Бугун шу дуоларнинг ижобатини кўриб турибмиз.

Гоҳида ижодий ҳамкорлик, гоҳида улфатчилик дегандай у билан мулоқотда бўлиб турамиз. Иши юришмай, бўҳтону ёлғонларнинг қурбони бўлганида, ҳасад "ўқи"дан яраланганда дардини ҳам айтиб туради. Биз ҳам уни шундай яқин тутамиз. Бугун Норқобилни бутун мамлакат танийди. Чунки у "Яхшилик" кўрсатуви муаллифи. Дунёда эзгулик ва яхшиликдан улуғроқ нарса кам топилади. Норқобил қаҳрамонларининг барчаси дилида эзгулик қуёши порлаб турган улуғлардир.

Норқобил кўтарган мавзу — ўлмас мавзу. Бозор шароити, айрим одамлар субутидан путур кетган, маънавиятни пулга сотиб олишга даъвогарлар бор. Шундай дамларда эҳтиёжманд кишига яна бирови яхшилик қўлини чўзса, бу ҳақда ёзмай бўладими?

Бобомиз Мир Алишер Навоий айтганларидек:

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдан онга яхшилик.

Ўринбой КЕНЖАЕВ

«Фуқаролик позицияси» деган ибора кишилар наздида янги иборадек туюлиши мумкин. Аммо бу ибора ўзида мужассам этган туйғу инсон қалбида азалдан бор. Айниқса, шарқона туйғулар билан яшаган ўзбек халқига бу туйғу доимий ҳамроҳ. Бугунги давр тилида «фуқаролик» деб аталадиган сўз фақатгина инсоннинг ўз яшаш манзилига мансублигини англатиб қолмай, шу яшаш манзилида — оилада, қишлоғи ёки маҳалласида, энг муҳими, Ватанида ўзига хос масъулиятни зиммасига олганлигини, бурчдорлигини ҳам англатиб туради.

Шу масъулиятни сезган, бурчдорликни ҳис қилган одамда фуқаролик позицияси намоён бўлади. Зотан, мамлакатимиз Президенти «Шу азиз Ватан барчамизники» деганда, ҳар бир фуқаро шу заминда ўз улушига эга, деган маъно эмас, аксинча, бу замин ҳар бир фуқарога яхлитлигича тегишли ва ҳар бир фуқаро унга бўлган муносабатда ўз масъулияти ва бурчини англаши кўпроқ назарда тутилган.

Шу замин, шу Ватан — Ўзбекистон бизга ҳамма нарсани ато этди. Демак, ҳар бир юртдошимизнинг фуқаролик позицияси шу замин — шу Ватанни ардоқлаш, унинг истиқболига ҳисса қўшишга қаратилганлигида кўринади.

Журналистнинг, хусусан, бугунги давр журналистининг фуқаролик позицияси қандай бўлиши керак? Бундай туйғу аслида барчада бир хил бўлади. Фақат касб йўналиши нуқтаи назаридан

Чори ЛАТИПОВ:

«ЮРАКДА ВАТАНГА САДОҚАТ МАВЖЛАНИБ ТУРСИН»

унинг саъй-ҳаракатлари, фаолияти орқали ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Агар кимдир журналист бу масъулиятдан келиб чиқиб, ўз юртини фақатгина мақтовларга кўмиб фаолият юритиши керак экан-да, деса, вазиятга тўғри баҳо беролмаган бўлади. Менимча, журналист шу юртни мақтаб ёзганда ҳам, танқид қилиб ёзганда ҳам, юрагида Ватанга садоқат туйғуси мавжланиб туриши шарт. Шунда мақтов янги муваффақиятлар сари даъват, танқид эса камчиликларни бартараф этишга туртки бўлади. Журналист, умуман, турли воқеликларга муносабат билдирувчи сиёсатдонлар фикрларини шу нуқтаи назардан баҳолай олса, уларнинг фуқаролик позицияси аён бўлади-қўяди.

Бугун интернет даври. Хоҳланг-хоҳламанг, унга мурожаат қиласиз. Ўзбекистондаги воқеликларни баҳолаётганлар орасидан баъзи бир ўзларини мустақил журналисту сиёсатдон деб атаётганларнинг мақолаларини ўқиб, уларнинг позициясини дарҳол англаш қийин эмас. Уларда на жамият ривожига ҳисса қўшишга, на одил фикр айтишга интилиш бор. Позиция ҳам аён — кимларнингдир буюртмасини бажариб маблағ орттириш, аламзадалик ўчини олиш, қўролмаслик, ҳокиматга ноқонуний йўл билан эришиш. Шу мақсадда ютуқларни кўришга кўзлари кўр, камчиликлар ҳақида ёзганларида эса уларнинг муаммо ечимидан кўра уни янада бўрттиришга мойиллиги яққол сезилади. Шу важдан бугунги журналист, хусусан, шу заминни она юрт деб билган ҳар бир инсон учун бундай нохолисларга муносиб жавоб айта олиш фаол фуқаролик позициясининг айнан кўринишидир.

● *Партиядошлар ҳақида*

Илм қудрати

— Меҳнатнинг нони ширин, — деб гап бошлайди агар иш, ишга муносабат ҳақида гап кетса, 8-мактаб директори Ҳамдам Отабоев. — Ким бурчини қойиллатса, вазифасини ҳалол ўринлатса — ўша менинг дўстим. Каримдевона қишлоғида катта бўлдим. Ўн йилдан кўпроқ бўлди чоғи, шу қишлоқ мактаби раҳбариман. Илмнинг қудратига шубҳа бўлиши мумкин эмас, бироқ ихлос, эътиқодсиз инсон ҳеч бир соҳада яхши натижага эриша олмаган.

Ўшанда Наврўз байрами нишонланаётган куни ўқитувчиларни табриклагани келган туман Халқ таълими бўлими мудираси Маърифатхон Анварова ўқитувчиларга қарата: «Эришган, эришаётган ютуқларингизнинг сабаби Ҳамдам Отабоевнинг мактабга оқилона раҳбарлик қилаётганида деб биламан», — деганди.

Чиндан ҳам мактаб жамоаси эришаётган муваффақиятлар салмоқли. Мактаб ўтган ўқув йилида «Йил мактаби» кўрик-танловида республикада фахрий ўринни эгаллади. Рейтинг даражасига кўра туманда, вилоятда, республикада энг нуфузли мактаблардан бири ҳисобланади. Расм ва чизмачилик фанлари бўйича эса Халқ таълими вазирлигининг тажриба-семинар майдонига айланган.

Мақола ёзиш мақсадида мактаб педагогларининг учинчи чорак якунига бағишланган кенгашида иштирок этдик. Мактабда эришилган ютуқлар кўп бўлса-да, кенгашда асосан муаммолар ва камчиликлар ҳақида кўпроқ гапирилди. Гап мактабга қатнамаётган айрим ўқувчилар тақдири масаласига келганда, директор Отабоев :

— Ўша оилаларга, имкони бор ташкилотдан, маҳалла қўмитаси, ҳокимликдан ёрдам ташкил қилиш лозим, чунки бундай ҳол ота-она иложсиз қолганда юз берган, — деди.

Мактабда, ҳар бир масала, ҳатто директор жамғармаси тақсимотигача ўқитувчилар билан баҳамжиҳат, ошкора ҳал қилинишига гувоҳ бўлдик. Ҳа, кенгашли тўй тарқамас. Мактабдаги тажрибали ўқитувчилар билан дилдан гаплашдик. Улардан бири Республика Халқ таълими аълочиси Собиржон Назиржонов шундай деди:

— Жамоамиз иноқ, аҳил. Бунга сабаб раҳбаримизнинг ўзи билимли ва иқтидорли ўқитувчиларнинг, ўқувчиларнинг қадрига етадиган инсон.

— Мен учун муҳими — инсоний бурч, — дейди Ҳ.Отабоев. — Ўқувчи ўз бурчини бажарсин, ўқитувчи ўқитувчилик бурчига хиёнат қилмасин. Бугун ҳукуматимиз маорифни ривожлантириш учун жуда катта эътибор бераётир! Биз шунга муносиб бўлишимиз лозим.

Ҳамдам Отабоев «Миллий тикланиш» партиямиздан туман кенгашига депутат этиб сайланган. Депутат сифатида ҳам фаоллик кўрсатиб келаётир.

Сойибжон РАҲМОНОВ,
Турғунали ПИРНАЗАР,
Ўзбекистон тумани

ГАЗ ҚУЛАЙМИ Ё БЕНЗИН?

Бугунги кунда автомобил ёнилғиси жаҳон қўламида катта муаммога айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Энергия ҳосил қилишнинг нефт заҳиралари билан боғлиқ бу тури келгусида ҳам катта муаммолигича қолавериши шубҳасиз. Токи янги турдаги автоёнилғи урф бўлгунга қадар автомобилчиларни газ ёнилғиси бирмунча ташвишлардан халос этиши мумкин. Чунки камхаржлиги, ҳар томонлама қулайлиги жиҳатидан газ алоҳида имкониятларни намоён этди. Газнинг тежамкорлик томонлари нисбатан арзонлиги, экологик тозалиги ва кўп хусусиятларига кўра бензиндан устунлигидадир.

Газдан фойдаланиш натижасида машинанинг техник ҳолати яхшиланиб, двигателнинг қуввати ошиб боради. Бу ўринда 1 литр бензиндан газ салкам икки баравар арзонлигини ҳисобга олсак, автомобилларни газлаштириш нечоғлик иқтисодий самара бериши аён кўринади.

Кўпчилик автомобил эгалари газнинг иқтисодий тежамкорлигига эътибор қаратишиб, бошқа афзалликларини унутиб қўядилар. Бинобарин, газбалон системасида йўл-йўлакай салондан туриб автомобилни ҳам газга, ҳам бензинга ўтказиш мумкин. Каталитик нейтрализатор билан жиҳозланган қиммат нархдаги хориж машиналарининг эгалари ҳам газ ёнилғи системасини ижобий баҳолашяпти. Агар газдан тўғри фойдаланилса, резинали техник мосламаларнинг фойдаланиш муддати беш йилга узаяди.

Республикамизнинг йирик шаҳарларида ҳавони ифлослантирувчи асосий манбалар автомобиллар ҳиссасига тўғри келади. Газдан муқобил ёнилғи сифатида фойдаланиш эса экологияни яхшилашга хизмат қилади. Чунки каталитик заҳар ҳисобланган моддалар газ ёнилғиси таркибида деярли йўқ. Табиий газ машина двигателларининг «Евро-4» экологик меъёрларига тўла мос келади.

Балондаги газ анча хавфсиз ёнилғидир. Балон ёрилиш ёки портлаш хавфини келтириб чиқармайдиган даражада мустаҳкам қилиб ташланган. Газ балонлари баланддан тушишда, юқори ҳароратларда, оловга ва кислотага чидамлилиги бўйича бир неча бор синовдан ўтказилган. Автомобиллардан фойдаланиш тажрибаси ҳам газ билан ҳаракатланадиган машиналарда портлаш хавфи нисбатан камроқ эканлигини кўрсатади.

Газ-балон қурилмасини ўрнатишда қайси фирманинг маҳсулотига ишонч билдириш керак, деган табиий савол туғилади. Айнан сифатсиз газбалон мосламалари газдан ёнилғи сифатида фойдаланиш даражасининг пасайиб кетишига олиб келади. Лекин бугун «BRC Gas Equipment MTM» савдо белгили қурилмаларга тенг келадигани топилмаяпти.

Ташвишингиз камайиб, маблағингиз тежалишини истасангиз, автомобилингизга газ қурилмаси ўрнатишни унутманг.

Муртазо СУЛТОНОВ,
«Интермобилгаз» компанияси директорлар кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

© Sahifadan "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining g'oraviy, siyosiy, ijtimoiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 723. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 2108. Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00